

9-28-2018

Property rights of children deprived of parental care

D. Babadjanova

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Civil Law Commons](#)

Recommended Citation

Babadjanova, D. (2018) "Property rights of children deprived of parental care," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 14.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/14

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



PROPERTY RIGHTS OF CHILDREN DEPRIVED OF PARENTAL CARE

D.BABAJANOVA^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ИМУЩЕСТВЕННОЕ ПРАВО ДЕТЕЙ, ЛИШЕННЫХ РОДИТЕЛЬСКОЙ ОПЕКИ

Д.БАБАЖАНОВА^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ

Д.БАБАЖАНОВА^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқлари, цивилист олимларнинг қарашлари ҳамда бу борадаги норматив-ҳуқуқий манбалар таҳлил қилинган. Муаллиф ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқини гуруҳларга бўлишни таклиф қилади.

Калим сўзлар: ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқлар, хусусий мулк ҳуқуқи, омонатларга бўлган ҳуқуқ, мулк ҳуқуқининг сақланиши, мерос ҳуқуқи.

Аннотация: в статье дан анализ праву собственности, имущественным правам, а также представлены мнения ученых цивилистов и нормативно-правовые акты в отношении несовершеннолетних детей, оставшихся без попечения родителей. Автор предлагает разделение на группы право собственности несовершеннолетних детей, оставшихся без попечения родителей.

Ключевые слова: право собственности несовершеннолетних детей, оставшихся без попечения родителей, имущественные права, право частной собственности, право на вклады, сохранение право собственности, наследственное право.

Abstract: the article analyzes the right of ownership, property rights, also presented the opinions of scientists of civilizations and the normative legal acts with regard to juvenile left without parental care. The author suggests the dividing into groups the right of ownership of juvenile left without parental care.

Keywords: the right of ownership of juvenile without custody, property rights, the right of private property, the right to contributions, preservation of property rights, inheritance law.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, уларни ҳар томонлама камол топишига, оилавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, оила жамиятнинг бир бўғини сифатида кўплаб муҳим вазифаларни бажаради. Шу боисдан ёш авлоднинг жисмоний, маънавий, интеллектуал жиҳатдан камол топишида оиланинг ўрни бекиёсдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида оилага оид қонунларнинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Ҳар бир фуқаро ушбу соҳаларга оид қонунларни мукамал билишлари ҳамда уни амалиётга тўғри татбиқ этишлари бугунги куннинг талабидир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи махсус манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун етарли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда вояга етмаган болаларнинг, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз деб биламиз” [1].

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари қонун билан кафолатланган. Бунда вояга етмаганларнинг мулк ҳуқуқлари доираси кенг бўлиши мумкин. Масалан, фуқароларнинг банклардаги омонатлари, кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган фойда ва даромадлар, унинг таъминоти учун тақдим этиладиган пул маблағлари в.б. Бу ўринда мулк ҳуқуқи ҳамда мулк ҳуқуқлар фарқланади. Бироқ ҳуқуқий адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқлар нисбатига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Қайд этиш лозимки, мулк ҳуқуқи мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини англатса, мулк ҳуқуқ асосан талаб қилиш ҳуқуқида намоён бўлади.

3.Амоновнинг фикрича, мулк ҳуқуқлар деганда, ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган мол-мулклар, ишлар ва хизматлар, қимматли қоғозлар, пуллар, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган бошқа объектларга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ҳамда фуқаролик ҳуқуқларнинг барча объектлари учун хос бўлган мулк талаб қилиш ҳуқуқи тушунилади [2]. Бу ўринда муаллиф мулк ҳуқуқларни ашёвий ҳуқуқлар, мажбуриятларга асосланган мулк ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқлар сифатида таснифлаш мумкин деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, мулк ҳуқуқлар мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда ўрганилганлиги сабабли вояга етмаганларга доир хусусиятлар тавсифланмаган.

Болаларнинг мулк ҳуқуқлари борасида С.Б.Зубков “болаларнинг мулк ҳуқуқлари – бу ашёвий ва мажбурият ҳуқуқи бўлиб, ҳар бир бола туғилгандан бошлаб унга тегишли бўлган ҳуқуқдан ва мерос, ҳадя ва ҳ.к. олиши натижасида вужудга келадиган ҳуқуқлардан иборат” деб ҳисоблайди [3]. Ҳақиқатан ҳам, туғилгандан бошлаб тегишли бўлган ҳамда кейинчалик вужудга келадиган вояга етмаганларнинг ашёвий ва мажбурият ҳуқуқи мавжудлиги шубҳасиз. Бироқ бугунги кунда вояга етмаганларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси сифатидаги ваколатлари, мулк ҳуқуқларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмади.

А.Серебрякова вояга етмаган болалар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганликлари сабабли ўзларининг ҳуқуқларини юқори даражада ҳимоя қилинишига муҳтож. Мулк муносабатларнинг ривожланиши болаларнинг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги вазифаларни белгилайди. Чунки ота-оналар ўз фарзандларининг қонуний вакили ҳисобланганлиги сабаблар айнан уларга болаларнинг мулк ҳуқуқларига риоя қилинишини, мулк ҳуқуқлари бузилмаслигини назорат қилиш масъулияти юкланади. Бироқ шунчаки болаларнинг мулк ҳуқуқларини мустақамлашнинг ўзи етарли эмас. Болаларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг кафолатлари назарда тутилиши зарур деб таъкидлайди [4].

Шуни қайд этиш лозимки, вояга етмаган болаларнинг бошқа фуқаролар каби турар жойга эҳтиёжи мавжуд бўлади. Шу боис уларнинг турар жойга нисбатан ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида уларни етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мўлжалланган муассасаларга, оилавий болалар уйларига, фарзандликка олган оилаларга, васийлар ёки ҳомийларга юборишда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш кафолати белгиланган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни хусусий мулк ҳуқуқини таъминлашда давлат органлари алоҳида ўрин эгаллайди. Вояга етмаган болаларнинг мулк ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик органлари фаол иштирок этади. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобидаги турар жойининг сақлаб турилиши юзасидан назорат етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш жойи

бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бунда васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобидаги турар жойнинг сақлаб қолинишини назорат қилишда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакиллари, шунингдек уларнинг турар жойлари ва мулклари жойлашган ҳудуддаги васийлик ва ҳомийлик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари билан ҳамкорлик қилади.

Ақсарият ҳолларда вояга етмаганларнинг мулк ҳуқуқи деганда уларнинг алимент олиш ҳуқуқи тушунилади. Г.Инамджонованинг фикрича, алимент-таъминот беришнинг ота-оналар ва болалар ўртасидаги мулк муносабатларини тартибга солишчи никоҳ шартномасининг махсус бўлимида кўзда тутилган нафақа ажратиш шартини бажаришдан бош тортган шахснинг ўз бурчини адо этишига қаратилган мажбурий шаклидир [5].

Бу ўринда муаллифнинг фикри баҳсли. Чунки никоҳ шартнома бу эр-хотиннинг мол-мулкни шартномавий тартибини белгилайди. Алимент мажбурияти эса қонунда назарда тутилган ҳолларда юзага келадиган мажбурият сифатида кўрилади ва бошқа тарафдан вояга етмаганнинг мулк ҳуқуқи сифатида намоён бўлади.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек 2002 йил 11 ноябрдаги “Транспортда юриш қарточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 1187) 2002 йил 18 ноябрдаги “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 1189) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сонли “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида етим болаларни давлат томонидан таъминлашга оид қоидалар белгиланган.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Гаага конференциясида ва Европа Иттифоқи ўртасида 1980 йилда болаларга васийлик тайинлаш бўйича Люксембург конвенцияси ҳам ишлаб чиқилган. Шунингдек, Европа Иттифоқи доирасида 2003 йил 27 ноябрда “Ота-оналарнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги конвенция қабул қилинган. Гаагада 1996 йилда “Болаларни ҳимоя қилиш бўйича ота-она жавобгарлиги тўғрисида” ва 2000 йилда “Вояга етган болаларни халқаро ҳимоя қилиш тўғрисида” конвенция қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар болаларнинг мулк ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқ Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таъминот олиш ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқ шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлган мулк ҳуқуқ ҳисобланади. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ўз ота-онаси ёки таъминот олиши мумкин бўлган шахслардан таъминот олиши мумкин;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк (талаб қилиш) ҳуқуқи. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бевосита ўз мулк ҳуқуқларини ашёвий хусусиятга эга бўлмаган тарзда, масалан, акциялар, дивидендлар, улуш, ижара ҳуқуқи, банк омонатлари ва бошқалар амалга оширади;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мерос ҳуқуқи. Мерос ҳуқуқи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Оила кодексининг 93-моддасига кўра, вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда мерос тариқасида олган мол-мулк уларнинг хусусий мулк ҳисобланади. Бундан ташқари, Оила кодексининг 165-моддасига асосан агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган отанинг ёки онанинг ота-онаси (бува ёки буви) илтимосига кўра боланинг шахсий номулки ҳамда мулк ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар боланинг манфаатлари шуни талаб этса, вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолиши мумкин;

– ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг омонатларга бўлган ҳуқуқи. Оила кодексининг 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкани бўлиш пайтида эътиборга олинмайди. Демак, бу ўринда учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида вояга етмаганларнинг омонатларга бўлган ҳуқуқлари мавжуд бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, вояга етмаганларнинг мулк ҳуқуқи алоҳида ёндашувни талаб қилади. ФКда вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида иштироки масаласи бирмунча табақалаштирилган ҳолда белгиланган. Яъни 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқатининг ҳажми ва мазмунида ўзига хосликлар мавжуд. 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) тўла равишда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Бироқ қонун уларга фуқаролик муомаласида қатнашиш бўйича муайян имкониятлар беради.

Н.Ашурованинг таъкидлашича, вояга етмаганлар ҳуқуқ субъекти сифатида муносабатга киришишда вояга етмаган фуқароларнинг муомала лаёқати тўлиқ эмаслиги, уларнинг муносабатга киришишларида алоҳида ҳуқуқий тартибга солишнинг “процессуал” тартиби талаб эталади ҳамда вояга етмаганлар ҳаётда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини мустақил тарзда таъминлай олмаганликлари туфайли давлат уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишларини кафолатлайди, чунки гарчи ёшидан қатъи назар, Конституция фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган бўлса ҳам, амалда вояга етмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари вояга етган фуқароларникига қараганда кўпроқ бузилади [6].

ФКнинг 29-моддаси 2-қисмига кўра, кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўлади. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгардирлар. Вояга етмаган 14 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати учун унинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органлари жавобгар бўлади. Чунки улар амалдаги қонунчиликка асосан тўлиқ муомалага лаёқатсиз шахс ҳисобланадилар. Гарчи уларнинг тасарруфида маълум миқдорда мол-мулклари бўлса ҳам, жавобгарлик айнан уларнинг вакилларига қаратилади.

Фуқаролик кодексининг 32-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида кўрсатилишича, алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар сифатида эътироф этилади.

Фуқаролик кодексининг 32-моддаси васийлик ва ҳомийликка бағишланган бўлиб, фақат васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланиши кўрсатилган. Бироқ васийлик ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг мол-мулкани тасарруф этишга доир ваколатга эгаллиги ёки эга эмаслиги масаласига ойдинлик киритилмаган.

Гарчи умумий қоидага кўра, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкий ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни васий ёки ҳомий амалга оширганида васийлик ва ҳомийлик органларининг руҳсатлари (Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонуннинг 37-моддаси) назарда тутилган бўлсада, васийлик ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг мол-мулкани тасарруф этишга доир ваколатлар ва ваколатли органнинг масъулияти аниқ белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори билан тасдиқланган Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомнинг 21-бандида васий ва ҳомий ўз

мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили ўнинчи январгача васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиши ва унда муайян маълумотлар акс эттирилиши белгиланган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармонининг 7-бандида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш назарда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вояга етмаган шахсларни мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда маъмурий-ҳуқуқий нормалар етакчилик қилади ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш имкониятлари бирмунча тор доирада қолган. Шу боисдан Фуқаролик кодексига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

“32¹-модда. Васийлик ва ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг мол-мулкни тасарруф этиш

Васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даромадларини, шу жумладан унинг мол-мулкни бошқаришдан тушган даромадларни фақат ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг манфаатларини кўзлаб ва васийлик ва ҳомийлик органининг дастлабки розилигини олган ҳолда тасарруф этади, васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Алиментлар, пенсиялар, нафақалар, соғлиққа етказилган зарар учун тўловлар, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа, шунингдек васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга тўланадиган бошқа маблағлар васий ёки ҳомий томонидан очиладиган ҳисобварақда жамланади ва васий ёки ҳомий томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг дастлабки розилигисиз тасарруф этилади, васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.”

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқини қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифлаш ва бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мулк ҳуқуқи, таъминот олиш ҳуқуқи, мулкий (талаб қилиш) ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг омонатларга бўлган ҳуқуқи қонунчиликда алоҳида ифодаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тасарруф этилиши мумкин бўлган ҳамда тасарруф этилиши мумкин бўлмаган, яъни шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлган мулк ҳуқуқи фарқланиши зарур. Хусусан, алиментлар, пенсиялар, нафақалар, соғлиққа етказилган зарар учун тўловлар, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг шахсидан ажралмайдиган ва тасарруф этилмайдиган мулк ҳуқуқи сифатида эътироф этилади.

References:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz // O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq. – Toshkent: O‘zbekiston, 2016. – B.56.
2. Amonov Z. Mulkiy huquqlar fuqarolik huquqining ob‘ekti sifatida. Yurid. fan nomz. diss... – T.: TDYuI, 2010. – B.10, 38.
3. Zubkov S.B. Problemi pravovogo regulirovaniya imushestvennix prav nesovershennoletnix // Zakon i pravo. – 2007. – № 10. – S.71.
4. Serebryakova A.A. Zashita imushestvennix prav detey. Istoricheskaya i sotsialno-obrazovatel'naya misl. Tom 9. №2/1, 2017. S.109.
5. Inamdjanova G.S. Voyaga yetmagan bolalarning huquqlari va ularni muhofaza qilish // Davlat va huquq. – 2001. – №3. – B.14–16.
6. Ashurova N. Voyaga yetmaganlarning fuqarolik-huquqiy munosabatlardagi ishtiroki. Yurid. fan nomz. diss avtoref. –T.: TDYuI, 2008. – B.11.